

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

научная электронная
библиотека
eLIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 4 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 4

LAWYER HERALD

VOLUME 1, ISSUE 4



TOSHKENT-2024

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович

“МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
СОҲАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....8

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

2. ШАДИЕВА Сайёра Арифовна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОЛЕВОГО ЖИЛИЩНОГО
СТРОИТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....16

3. РАХМОНКУЛОВА Нилуфар Ҳоджи-Акбаровна

ЧЕТ ЭЛ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН НИКОҲЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШДА ШАХСИЙ
ҚОНУННИ ҚЎЛЛАШ ОҚИБАТЛАРИ23

4. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиярович

ДВУСТОРОННИЕ ИНВЕСТИЦИОННЫЕ СОГЛАШЕНИЯ: СУЩНОСТЬ И РОЛЬ В
РЕГУЛИРОВАНИИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ОТНОШЕНИЙ31

5. БОРОТОВ Алишер Ҳомидович

ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР42

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

6. АБДУЛЛАЕВА Дилфузা

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ТЎЛИҚСИЗ ИШ ВАҚТИ:
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА.....50

7. ҲАМРАҚУЛОВ Шавкатжон Салимович

ИШ БЕРУВЧИНинг ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ
ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУБРОГАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ58

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

8. ПРИМОВ Обиджон Мусирманович

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОГЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ВА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ66

9. ЭШНАЗАРОВ Мехриддин Жўраевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....72

10. БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФИЛИГИ ВА УНИНГ УЧУН ЖИНОЙИ
ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ78

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ, КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

11. УМАРХОНОВ Азизхон Шарипхонович

ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ
ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
САБАБЛАРИ, АСОСЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ..... 88

ҲАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

12. РАХМАНОВ Шухрат Наимович

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОНЯТИЯ
«МЕЖДУНАРОДНАЯ МИГРАЦИЯ»..... 95

13. ГАНИБАЕВА Шахноза

ПОВЕСТКА ДНЯ В ОБЛАСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НА ПЕРИОД ДО 2030 ГОДА:
НОВЫЕ ВЫЗОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ И НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ ДЕТЕЙ В МИРЕ... 102

14. СОДИКОВ Акмал Шавкат ўғли

ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА СУН'ИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ..... 109

15. МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР (ДИАСПОРА) БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ
ВА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҲАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ
ТАҲЛИЛИ 117

16. ШАРАПОВ Шухрат Шокирович

ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ГЛОБАЛ
КОНВЕНЦИОНАЛ АСОСЛАР 127

17. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна, ТОШМАТОВА Висолаҳон

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРАВ ПОЖИЛЫХ 135

18. ВАКНРАМОВА Mokhinur Bakhramovna

TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF DIGITAL HUMAN RIGHTS 144

19. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович

КЛАССИФИКАЦИЯ ИСТОЧНИКОВ МЕЖДУНАРОДНОГО ВОДНОГО ПРАВА 151

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД
ЭКСПЕРТИЗАСИ

УМАРХОНОВ Азизхон Шарипхонович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил
тадқиқотчиси, юридик фанлар номзоди, доцент

ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ
ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
САБАЛЛАРИ, АСОСЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): УМАРХОНОВ АШ. Ҳимоя қилинадиган шахсларга нисбатан жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллашнинг сабблари, асослари ва мезонлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2024) Б. 88-94.



1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-1-11>

АННОТАЦИЯ

Жиноят процессининг вазифаларини самарали амалга ошириш учун ҳимоя қилинадиган шахсларга нисбатан жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни давлат томонидан ҳимоя қилиш тизимини амалга ошириш муаммоси узоқ вақт давомида илмий тадқиқотлар мавзуси бўлиб келди. Ҳимоя қилинадиган шахсларга нисбатан жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигига ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тартибга солинади. Албатта, бундай шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи хилма-хил бўлиб, жинойт-процессуал воситаларни, алоҳида эҳтиёт чораларини қўллашни, маҳсус хавфсизлик чораларини ва ижтимоий ҳимоя чораларини ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан, ушбу мақолада муаллиф жиноят процессида ҳимоя қилинадиган шахслар хавфсизлигини таъминлашнинг асослари ва мезонларини илмий асослаб берган.

Калит сўзлар: жинойт иш юритиш, давлат ҳимояси, хавфсизлик чоралариб ҳуқуқий ҳимоя чоралари, ижтимоий қўллаб - қувватлаш чоралари.

UMARKHONOV Azizkhon

Researcher of the University of Public Safety Republic of Uzbekistan,
Doctor of Philosophy, Associate professor

REASONS, GROUNDS AND CRITERIA FOR THE APPLICATION OF ENSURING THE SAFETY
OF PARTICIPANTS IN CRIMINAL PROCEEDINGS TO PROTECTED PERSONS

ANNOTATION

The problem of ensuring the safety of participants in criminal proceedings and the implementation of the system of their state protection in order to effectively implement the tasks of criminal proceedings has been the subject of close scientific research for a long time. Ensuring the safety of participants in criminal proceedings against protected persons is regulated by the criminal procedure legislation of States or regulatory legal acts. Of course, the range of measures to ensure the safety of such persons is diverse and includes the use of criminal procedural means, special precautions, special security measures and social protection measures. In this regard, in this article, the author gave a scientific justification of the grounds and criteria for ensuring the safety of persons subject to protection in criminal proceedings.

Keywords: criminal proceeding, state protection, security measures, legal protection measures, social support measures.

УМАРХОНОВ Азизхон Шарипхонович

Исследователь Университета Общественной безопасности Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент

ПРИЧИНЫ, ОСНОВАНИЯ И КРИТЕРИИ ПРИМЕНЕНИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ УЧАСТНИКОВ УГОЛОВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА К ПОДЗАЩИТНЫМ

АННОТАЦИЯ

Проблема обеспечения безопасности участников уголовного судопроизводства и реализации системы их государственной защиты с целью эффективной реализации задач уголовного судопроизводства уже длительное время является предметом пристального научного исследования. Обеспечение безопасности участников уголовного судопроизводства в отношении подзащитных регламентируется уголовно-процессуальным законодательством государства и нормативными правовыми актами. Безусловно, комплекс мер по обеспечению безопасности этих лиц многообразен и включает в себя применение уголовно-процессуальных средств, особых и специальных мер предосторожности, безопасности и их социальной защиты. В связи с этим в данной статье автор научно обосновал основание и критерии обеспечения безопасности лиц, подлежащих защите в уголовном процессе.

Ключевые слова: уголовное судопроизводство, государственная защита, меры безопасности, меры правовой защиты, меры социальной поддержки,

Жиноят процессида ҳар қандай процессуал қарор қабул қилиш учун етарли маълумот олиш зарурлиги умумеътироф этилган қоида ҳисобланади. ЖПКнинг[1] 270-моддаси 1-қисмига асосан, суринтирувчи, терговчи ёки суд томонидан жиноят процесси иштирокчилариға нисбатан жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни кўллаш худди шу тарзда исботланиши керак бўлган ҳолатларни аниқлаш учун маълумотларни тўплаш ва ҳақиқий жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни кўллаш учун асосларни белгилашни ўз ичига олади. Бундай маълумотларни тўплаш процессуал (алоҳида тергов ёки бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш орқали) ҳам, процессуал бўлмаган манбалардан, масалан, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва шу орқали жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни кўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни олишдан иборат бўлиши мумкин.

Жиноятишибўлган ваколатли шахстомонидан жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳақида процессуал қарор қабул қилинишидан олдин қонунчиликда белгиланган шартлар ҳисобга олиниши керак.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни кўллашнинг

зарурий шартлари – зарур ва етарли хуқуқий шартлар асосида суриштирувчи, терговга қадар текшируви органи мансабдор шахси, терговга қадар текширув органи бошлиги, суриштирув органи, суриштирув органи бошлиги, терговчи, тергов органи раҳбари ёки судья томонидан жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллаш тўғрисида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш (“Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида^[2] белгиланган жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш)ни қўллаш бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллаш учун зарур шарт-шароитлар эҳтиёжи, баъзида, бундай жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қабул қилиш имконсиз бўлиб туюлиши билан боғлиқ. Етарлилик жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллаш учун бошқа (мавжуд шартлардан ташқари) шартлар белгиланмаганлиги билан ифодаланади.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллашнинг дастлабки шартлари жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллашнинг сабаблари ва асосларини ўз ичига олади [3].

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллашнинг сабаби – шахснинг жиноят процессида ҳақиқатни аниқлашга берган ёрдами ёки ёрдам бериш нияти билан боғлиқ равишда юзага келган тажовуз тўғрисидаги ҳар қандай маълумот (шахснинг ўзи баёноти, хуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан тажовуз фактининг аниқланиши, бошқа манбалардан олинган хабар) дир.

Сабаб юзага келганлиги – ҳимоя қилинаётган жиноят процесси иштирокчисининг жиноий судловга ёрдам бериши муносабати билан унга, қариндошларига ёки яқинларига таҳдид ёки тажовуз юзага келганлиги тўғрисидаги аризаси орқали аниқланади. Шу билан бирга хуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан, тезкор-қидирив воситалари билан юқоридаги ахборотларнинг аниқланиши ёки ходимнинг ёзма баёни шаклида олинган маълумотлар ҳисобга олиниши мумкин.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни чоралирини қўллаш асослари (“Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддаси 2-қисмида кўрсатилган:

- 1) ҳимояланган шахснинг ёзма аризаси;
- 2) ўзининг ёзма розилиги билан ёрдамга муҳтож бўлган ҳимоядаги шахснинг яқин қариндошлари, қариндошлари ёки яқин шахсларининг ёзма аризаси;

3) уларнинг ёзма шаклдаги розилиги билан, вояга етмаганларга нисбатан эса – уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органларининг ваколатли вакилларининг (ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар бўлмаган тақдирда) ёзма аризаси ёки ёзма равишдаги розилиги билан.

Кўриниб турибдики, қонунчиликда жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини қўлланилиши учун ёзма шклдаги мурожаат мажбурий равишда талаб этилади. Шу билан бирга, айрим ҳолларда жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллаш учун яқин қариндошлари, қариндошлари ёки яқин шахсларининг ёзма розилигини олиш зарур, зеро баъзи чораларининг (яшаш жойини, ўқишини ёки ишини ўзгартириш, ҳужжатларни алмаштириш ва ҳ.) қўлланилиши қонуний манфаатларига таъсир қилиши мумкин.

Жиноят процессини амалга ошириши жараёнида терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд процесс иштирокчиларидан уларнинг хавфсизлигига таҳдид тўғрисида кўрсатувлар, оғзаки ёки ёзма ариза олиши

мумкин. Агар мурожаат оғзаки бўлса, у тергов ҳаракати баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилади. Бундан ташқари, мустақил сабаб сифатида суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан жиноят процессида ёрдам кўрсатилиши муносабати билан ҳимоя қилинаётган шахсга таҳдид туғилганлиги тўғрисида тезкор-қидирав маълумотлари келиб тушганлиги ҳам кўриб чиқилади [4]. Бу сабаб ўз мазмунига кўра ўзига хос хусусиятга эга: у процессуал хусусиятга эга бўлмаса-да, текширилиши керак, чунки бу жиноят ишини юритаётган шахснинг жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллаш учун асос бўлса, текшириш ва кейинчалик қўллаш тўғрисида процессуал қарор қабул қилиш мажбуриятини келтириб чиқаради.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини қўллаш учун икки хил асослар мавжуд: фактик ва процессуал.

Фактик асоси сифатида ҳимояланган шахсга ноқонуний таъсир кўрсатиш реал таҳдиди мавжудлиги тушунилади. Яъни, хавфнинг аллақачон мавжуд бўлган ёки унинг яқин келажакда юзага келиши ҳақиқати бўлган ҳақиқатнинг ўзи жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллаш учун асос сифатида кўриб чиқилиши керак.

Процессуал асос ваколатли шахс томонидан тегишли процессуал қарорнинг қабул қилинишида ифодаланади. Ушбу тушунчада асос жиноят иши бўйича иш юритувини амалга ошираётган шахснинг процессуал қарорига асосан ҳимояни амалга оширувчи орган томонидан кейинчалик жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллашнинг зарурий шарти сифатида бўлиб ҳисобланади.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллаш учун асос жиноят процессининг ҳимояланган иштирокчисига нисбатан таҳдиднинг реаллигидан ташқари, бундай таҳдид тўғрисидаги маълумотларнинг етарлилик хусусиятига ҳам эга бўлиши керак. Шуни таъкидлаш керакки, қонунда кўрсатилган бошқа асосларнинг ўхшаш мазмuni, яъни "Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 16-моддаси ЖПКнинг 270-моддасида бўлгани каби етарлилик талабини назарда тутмайди.

Етарлиикдан ташқари, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллаш учун асос сифатида ҳимоя қилинадиган шахснинг, унинг қариндошларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига таҳдиднинг маълум сифати ва мазмuni ҳисобланади. Шу билан бирга, таҳдид муайян хусусиятларга эга бўлиши керак: объективлик ва ҳақиқат. Энг аввало ҳимоя қилинаётган шахснинг, унинг қариндошлари ёки яқин шахсларининг ҳаёти, соғлиғи, мулкига қарши қаратилган бўлиши керак. Мажбурий шарт эса, реал тажовуз ёки таҳдид (унинг амалга оширилиши) ва шахснинг жиноий судловга ёрдами ўртасидаги бевосита ва бильосита боғлиқликдир.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллаш учун асос нафақат жиноят содир этиш ёки унга тайёргарлик кўриш факти бўлиши мумкин, яъни жиноят процесси иштирокчисига нисбатан жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш жиноят ишида иш юритиш билан боғлиқҳолда қўлланилиши мумкин [5].

Юқорида келтирилганлар жиноий процесса шахснинг хавфсизлигини таъминлайдиган муносабатларнинг пайдо бўлишининг биринчи шарти бўлиб ҳисобланади. Иккинчи шарт – ҳимояга муҳтоҷ шахсга тажовуз факти ёки бундай хужум таҳдидининг мавжудлиги ҳисобланади. Шунинг учун, биринчи шарт бўлмаса, иккинчисини ўрнатиш ва жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишнинг ҳожати йўқ. Масалан, маъмурӣ хуқуқбузарлик содир этилишини гувоҳи бўлган шахсга нисбатан таҳдид ёки қонунга хилоф равишда таъсир ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолда, жиноят-процессуал хуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлмайди ва шунинг учун жиноят-процессуал маънода хавфсизлик ҳақида гапириш мавсадга мувофиқ эмас.

ЖПК нормаларида суд, прокурор, тергов органи бошлиғи, терговчи, суриштирув органи, суриштирув органи бошлиғининг агарда бунинг учун сабаблар ва асослар мавжуд бўлса, белгиланган жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни кўришлари шартлиги ҳақидаги мажбуриятини белгилайди. Хавфсизликни таъминлаш чораларини кўриш, агар бунга сабаблар ва асослар мавжуд бўлса, ваколатли шахснинг бурчи деб ҳисобланиши лозим, унга риоя қиласлик процессуал ёки бошқа жавобгарликка сабаб бўлиши керак.

Терговга қадар текширув босқичида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллаш учун асосларни (шартларни) белгилаш муайян қийинчилик билан боғлиқ. Жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилишда иш бўйича истиқболли иш юритиш эҳтимоли даражаси, жиноятнинг фош этилиши ва айбордлик далилларини олиш алоҳида аҳамият касб этади [6].

Терговга қадар текширув босқичида терговга ёрдам қўрсатувчи шахсларни давлат томонидан ҳимоя қилиш жараёнини бошлаш масаласини ҳал қилишда жиноий одил судловга мумкин бўлган ёрдам сифати ва уни қўллаш имкониятлари жиноят иши учун аҳамиятли бўлган муҳим далил маълумотларини олиш истиқболлари асосий бўлиши лозим [7]. Бунда жиноят-процессуал жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллаш учун етарли асосларнинг йўқлиги процессуал бўлмаган воситалар билан қопланиши мумкин.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини қўллашнинг сабаблари ва асосларидан ташқари, ушбу мураккаб жараённинг бошқа мезонлари ҳам ҳисобга олинади.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни белгилаш вақти жиноят ишининг қўзғатилиши билан боғлиқ бўлмаслиги керак, зеро улар иш қўзғатишдан аввалроқ ҳам чораларни қўллаш зарурати юзага келиши мумкин. Акс ҳолда, яъни хавфсизлик чорасини қўллашнинг бошланишини жиноят ишини қўзғатиш билан боғлаб қўйилса, жиноят процессининг ўзи бошланмаслиги мумкин.

Иш қўзғатиш тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан олдин шахсга босим ўтказилиши мумкин ва бу ноқонуний таъсир тажовуз натижаси иш қўзғатиш учун зарур бўлган маълумотларнинг етишмаслигига олиб келиши мумкин. Масалан, оғир жиноятнинг гувоҳига ўлим таҳди迪 шаклида руҳий босим қўлланилди. Ушбу таъсирнинг натижасида (тажовуз таҳди迪) гувоҳ жиноят тўғрисидаги маълумотни хуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бермаслик ва жиноят процессида ҳамкорлик қилишдан бош тортиш тўғрисидаги қарорга келди. Бунинг натижасида, давлат органларида жиноят ҳақида маълумотларни ўз вақтида олмаслиги ва зарур маълумотлар етарли эмалиги жиноий иш қўзғатиш асослари аниқланмаслигига олиб келади, тўсқинлик қиласли, ҳам исботлаш предметига киритилган ҳолатларни аниқлашда қийинчилик туғдиради.

Шу билан бирга жиноят процесси иштирокчисига нисбатан амалга оширилган ноқонуний таъсир (тажовуз) маълум талабларга жавоб бериши керак:

- 1) объективлик (хавфнинг маълум бир манбаси мавжудлиги) ва реаллиги, ўйлаб топилмаганлиги, жиноят процесси иштирокчисининг онгиди ва унинг хавф ҳақидаги нотўғри фикридагина мавжуд эмаслиги);

- 2) яқин келажакда бундай таъсирнинг таъсири ёки таҳдидининг реал амалга оширилиши имконияти;

- 3) хавф манбасининг (руҳий, жисмоний, техник ва бошқалар) жиноий ниятни амалга ошириш қобилияти[8].

Демак, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш бевосита ва билвосита ҳимояга муҳтож бўлган шахсга нисбатан ҳақиқий таҳдиднинг мавжудлиги ёки унинг яқин келажакда юзага келиш эҳтимоли билан боғлиқ. Тергов ва суд органлари манфаатдор бўлган аниқ шахсга нисбатан қонунга хилоф равишда таъсир қилиш таҳди迪 муайян объектив сифатлар билан ифодаланади, қонунда фақат ноқонуний таъсир қилиш фактини белгиланган бўлса, таъсирнинг ўзи ноаниқ таҳдид шаклида ҳам ифодаланиши мумкин.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари қўлланиладиган шахсга қонунга хилоф равишда ноқонуний таъсир (тажовуз)нинг процессуал хужжатларда акс эттиришда, уларнинг доирасини аниқ иборалар билан торайтирмаслик керак (масалан, “ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш, мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш”), лекин “Ҳар қандай шаклдаги таъсир” каби жумлалардан фойдаланмаслик, уларни эса аниқлаштириш тавсия этилади, ҳамда процессуал хужжатда таҳдиднинг реал бўлиши ва ҳимояланган шахс томонидан идрок этилиши аниқ акс эттирилиши лозим.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, сўз, ҳаракат билан ифодаланган ёки тахмин қилинган таҳдиднинг амалга оширилиши хавфи мавжудлиги, нафақат ҳақиқат, балки уни ҳуқуқбузар шахс томонидан амалга оширишнинг объектив имконияти борлигига ифодаланади. Яъни, ҳимоя қилинадиган шахсга нисбатан зўравонлик ёки уни қўллаш таҳди迪 фақат қонунга хилоф бўлади. Бундай таъсир (тажовуз) ҳар доим жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди, баъзан маъмурий ҳуқуқбузарлик деб баҳоланиши мумкин. Баъзан эса, амалда ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик таркибиға кирмайдиган ноқонуний таъсир (тажовуз) кўрсатиш ҳолатлари ҳам содир этилиши мумкин. Мисол учун, жиноят иши бўйича гувоҳни бир неча кун давомида аҳоли пункти бўйича ҳаракатланиши – ишга, уйга, бозорга ҳаракатланаётганда ойналари қорайтирилган автомашина доимий кузатиб юриши. Амалда уларнинг хатти-ҳаракати ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этмайди, аммо ҳимояланган шахсга босим, ноқонуний таъсир (тажовуз) ўтказилади. Бу ҳолатда жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан хавфсизлик чораларини ҳар доим ҳам зудлик билан ёки ўз вақтида амалга оширилмаслигини кўришимиз мумкин. Шунинг учун жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш юзага келган вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши лозим.

Жиноий судловни тарғиб қилувчи жиноий процесси иштирокчисига таҳдид ва қонунга хилоф таъсир ўтказиш хавфи манбаининг қобилияти баҳоловчи белгидир. Бундай тахмин ҳам процессуал, ҳам тезкор-қидирув характеристидаги маълумотларга асосланиши керак. Масалан, таҳдид жиноий гуруҳ аъзоси ёки унинг шерикларидан келиб чиқиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳимоя қилинаётган шахсларнинг жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни таъминлаш тизими фақат процессуал воситалар ва жиноят процесси доирасида, яъни жиноят-процессуал фаолият билан чекланиб қолиши мумкин эмас. У кенг қамровли бўлиши, жумладан, турли хил жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мажмуи сифатида амалга оширилиши лозим, уларнинг комбинацияси ягона мақсад – ҳар қандай шахснинг жиноят процессида иштирок этиши учун хавфсиз шароитларни таъминлаш ва унга кўмаклашишдир. Масалан, ҳимояланган шахсни ва унинг оила аъзоларини янги яшаш, ишлаш ва (ёки) ўқиш жойига қўчириш каби хавфсизлик чораси Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг қоидаларини қўллашни ўз ичига олади. Яна бир хавфсизлик чораси -- шахсий хужжатларни алмаштириш эса, фуқаролик, мерос ҳуқуқи, ижтимоий нафақалар ва бошқа масалаларига ўзининг таъсирини ўтказади. Бундай вазиятлarda жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни амалга ошириш жараёни ҳуқуқшуносликнинг турли соҳалари томонидан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатларнинг бутун мажмуасини қамраб олади. Шу билан бирга, турли соҳаларнинг ҳуқуқий нормаларининг изчиллиги муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари шахсга нисбатан таҳдиднинг аҳамияти процессуал жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни қўллаш учун зарур шартларнинг сифат таркибий қисмидир [9], зеро Қонун бундай таҳдид айнан кимдан келиши ёки келиши мумкинлигини белгиламайди, фақат гумон қилинувчи, унинг шериклари ва ишнатижаларидан манфаатдор бўлган бошқа шахслар жараён иштирокчиларига таҳдид

солиши мумкинлиги тахмин қилинади.

Бундай ноқонуний таъсир (тажовуз, таҳдид) турлари рўйхати муқобил-ноаниқ хусусиятга эга:

- 1) ўлдириш билан таҳдид қилиш;
- 2) зўравонлик таҳдиди;
- 3) уларнинг мол-мулкини йўқ қилиш ёки бузиш таҳдиди;
- 4) бошқа хавфли ноқонуний хатти-ҳаракатлар таҳдиди.

Шу билан бирга хавфсизлик чораларини кенг қўллаш имконини берадиган “бошқа хавфли ноқонуний хатти-ҳаракатлар” деган сўзлар ЖПКнинг нормалари, шу тарзда, жиноят процесси соҳасида иштирок этётган фуқароларга нисбатан жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни таъминлаш учун етарли шарт-шароитларни таъминлайди.

Демак, ЖПКнинг 270-моддаси мазмунини сўзма-сўз талқин қилган ҳолда, хуноса шундан келиб чиқадики, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш фақат жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан қўлланилиши мумкин, процессуал мақоми аллақачон аниқланган, бу ЖПКнинг 270-моддасида бундай чоралар қўлланилиши мумкин бўлган шахслар – жабрланувчи, гувоҳ ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчилари, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари, қариндошлари рўйхатидан келиб чиқади.

Шу билан бирга, қонунда жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам, иш қўзғатилиши сабабини текширишда муаммоларни ҳал қилиш босқичида, жараён иштирокчиларининг мақоми ҳали шаклланмаган бўлса, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мажбурияти белгилаб қўйилган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/-111460>;
2. Ўзбекистон Республикасининг 14.01.2019 йилдаги ЎРҚ-515-сон “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни //URL: <https://lex.uz/docs/4159913>;
3. Колсович М.С. Обеспечение прав и законных интересов участников уголовного судопроизводства на досудебных стадиях: теоретические и практические аспекты: монография. Волгоград, 2012. 160 с.
4. Umaranova D.Sh: Dildora, Umarkhanova. “International Cooperation In Criminal Matters (Based On The Analysis Of German And Uzbek Legislation).” Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities 2.1.4 Legal sciences (2022).
5. Кудина С.А., Каац М.Э., Маликова Н.В. Некоторые проблемные вопросы законодательного регулирования института обеспечения безопасности участников уголовного судопроизводства // Пробелы в российском законодательстве. 2013. № 2. С. 161-163.
6. Dildora, Umarkhanova. “The legal regulation issues of transferring and acceptance of persons with mental disorders for compulsory treatment in the state of their citizenship.” Asian Journal of Research № 2 (2018): 7-12.
7. Дмитриева А.А. Применение мер государственной защиты и обеспечение безопасности участников процесса на досудебных стадиях производства по уголовному делу: проблемы теории и правоприменения: монография / А.А. Дмитриева. – Челябинск: Издат. центр ЮУрГУ, 2015. С. 82.
8. Салахов С.Б. Процессуальный статус понятого в уголовном процессе // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. Тамбов: Грамота. 2014. № 10-1 (48). С. 139-141.
9. Талынева З.З. Использование возможностей психологического обеспечения в мировом суде по делам частного обвинения // Черные дыры. 2014. № 5. С. 98- 100.